



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 14 октябрь, № 198 (6381) Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳтарам қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда.

### ПАРЛАМЕНТ ХАЁТИ

Хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида экспертлар, мутахассислар ҳамда манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирокида “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Таъкидлаш лозим, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Фармонда акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бирхиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Лойиҳага кўра, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркин-

лигининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

— Ҳозир дунёнинг ривожланган мамлакатлари акциядорлик жамиятлари замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш эвазига юқори иқтисодий натижаларга эришиб келмоқда, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Умиров. — Мамлакатимизнинг бугунги кундаги иқтисодий салоҳияти, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллиги бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу маънода, қонун лойиҳаси тизимни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини самарали шакллантириш ва фаол жорий этиш бўйича талабларни аниқ белгилаб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўпгина корхоналар, жумладан, хорижий муассислар иштирокидаги қўшма корхоналар ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиб, бошқарувда илгор усуллари жорий қилинмоқда.

Шу боис қонун лойиҳасида эндиликда акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш бўйича ўтказиладиган танловда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган норма кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАҲАЛЛА — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Маҳалла азалдан тарбия, маърифат ва маънавият ўчоғи, миллий қадриятлар ҳамда халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини шакллантирувчи маскан сифатида эътироф этиб келинади. Мустақиллик йилларида эса унинг нуфузини кўтариш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш, мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилманинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

### ЖАРАЁН

Натижада бугун тизимда меҳнат қилаётган фаоллар миллий ва умуминсоний қадриятлар, хусусан, дўстона қўшничилик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлар.

Фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комитетлари фаолияти бунинг бир мисолидир.



Хусусан, Яраштириш комиссиясининг фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжихатликда яшашига қўмаклашиш, оилавий низоларни ҳал қилиш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ҳамда маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти бекиёс. Дейлик, айрим ёшлар тажрибасизлик ёки

ғўрлик оқибатида оилавий ҳаётда хатоликларга йўл қўяди. Ана шундай кезларда мазкур комиссия аъзоларининг тажрибаси жуда қўл келади. Аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган маҳалла фаоллари, шу жумладан, отахон ва онахонларнинг панду насиҳатлари, йўл-йўриқлари туфайли турли оилавий низолар, хусусан, ажрашиш каби ҳолатларнинг олди олинади.

Бухоро туманидаги “Саховат” қишлоқ фуқаролар йиғини қўшидаги Яраштириш комиссияси тарихи ҳам ана шундай обрў-эътиборли, тажрибали инсонлардан таркиб топган.

— Худудимизда 806 та оила истиқомат қилади, — дейди ушбу комиссия раиси Хикмат Йўлдошев. — Уларнинг 310 тасини ёш оилалар ташкил этади. Яқинда тўртта нотинч оилани яраштириб қўйдик. Бунда 8 кишидан иборат жамоамиз аъзолари бош-қў бўлди. Умуман, кейинги йилларда маҳал-

ламизда ажрашиш ҳолатлари кайд этилмади. Айни чоғда комиссия аъзолари билан биргаликда оилаларда маънавий муҳит барқарорлиги ва соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўй ҳамда бошқа маросимларни миллий қадриятлар ва ибратли анъаналаримиз асосида илҳом, аҳоли манфаатларига мос ҳолда ўтказиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бораёмиз.

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТБОП ТОЛА ИСТИҚБОЛЛИ НАВДАН ОЛИНАДИ

Жаҳон бозорига Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи кундан-кун ортиб, тобора харидориги бўлиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки серқўш заманимизда етиштирилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиб, рангининг тиниқлиги, пишқиллиги ва узунлиги, қисқача айтганда, саноатбоплиги билан устуликка эга.

Албатта, мамлакатимизда пахтачилик тармоғида ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, аввало, ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола сифати юқори, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли навлари яратилиб, илгор агротехнологиялар амалиётга татбиқ этилаётгани ана шундай натижаларга сабаб бўлмоқда.

Бинобарин, Юртбошимиз фермерлар билан учрашган чоғларида ҳар бир минтақага мос ғўза навларини танлаш ва жойлаштиришда тупроқ-иқлим шароитларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайдилар. Сабаби, пахтачиликда иқтисодий самарадорлиқнинг юқори бўлиши кўп ҳафтанав хусусиятларига боғлиқ. Шу боис селекционер олимла-

ри миз ғўзанинг истиқболли янги навларини яратиш, селекция услубларини такомиллаштириш, замонавий фан-техника ютуқларини амалиётга жорий этиш устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Истиқлол йилларида “Уруғчилик тўғрисида”ги ва “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, кўплаб меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг изчил ижроси таъминланаётгани ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу ҳужжатларга биноан, илмий муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, малакали кадрлар тайёрлаш

ва ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу эса ўз самарасини бера бошлади: ўзбек пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланиб, жаҳон бозорига унга бўлган талаб тобора ортмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этаётган хорижий компания ҳамда фирмаларнинг сони кўпайиб бораётгани, пировардида катта ҳажмдаги тола ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича шартномалар имзоланаётгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

### БИЗНЕС-ФОРУМ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитойнинг Шаньси провинцияси ишбилармон дотиралари иштирокида бизнес-форум ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси, Хитой халқаро савдо тараққиётига қўмак бериш қўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда бир қатор вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, шунингдек, тадбиркорлар қатнашди.

## Ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

Бундан кўзланган асосий мақсад инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро имкониятларни ўрганиш, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига бағишланган турли тадбирларни ташкил этишдан иборатдир.

Анжуманда меҳмонлар томонидан мамлакатимиз иқти-

тициявий ҳамда молиявий ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми беш баробардан кўпроқ ўсгани, юртимизда Хитой сармоси иштирокида 582 та корхона фаолият юритаётгани ана шу сазой-ҳаракатлар самарасидир.

Тадбир якунида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор инвестициявий шартномалар имзоланди.

Д. УЛУҒМУРОВОД.

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллилаштириш дастури доирасида умумий қиймати



1,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Дастурга мувофиқ, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ҳамда турини янада кўпайтириш бўйича қўрилган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

### АНЖУМАН

Маълумки, инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда молиявий асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Сармоялар — иқтисодиёт тармоқларига

Натижада ҳар йили чет эл капитални иштирокида кўплаб замонавий корхоналар ташкил этилаёпти. Улар нафақат муайян ҳужжатли юритувчи субъектнинг, балки бошқа соҳалар равнақи ҳамда макроиктисодий ўсишга мустаҳкам замин ҳозирлаётгани билан гоёта аҳамиятлидир.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “КДВ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилгани, чет элик инвесторларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоялангани туфайли иқтисодиётимизга бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Биргина 2015 йилнинг олти ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1,5 миллиард АҚШ доллари бўлган. Биргина 2015 йилнинг олти ойида ўзлаштирилган инвестициялар ва кредитлар улушига тўғри келгани, жумладан, 1,2 миллиард долларини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Кувонарлиси, инвестициялар оқимининг кўпайиши иқтисодиётнинг муҳим таянчига айланган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятини тобора кенгайтиришга мустаҳкам замин ҳозирлаётгани билан гоёта аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).





**Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кузатилаётган барқарор ривожланиш суръатларидан қалбингиз фахру ифтихорга тўлади. Буларнинг барчаси, аввало, мустақил Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.**

Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида намоян бўлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида эришилаётган натижалар диққатга сазовор. Зеро, санатни ривожлантириш, ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирish, аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ўрни ниҳоятда катта.

Таъкидлаш керакки, хусусий секторнинг жадал суръатларда ривожланишида соҳанинг ташиқлий-ҳуқуқий асоси яратилиб, тадбиркорларнинг ташаббуслари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда "Агробанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси фаол қатнашиб, нафақат аграр тизимни ислоҳ қилиш, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақиға ҳам муносиб ҳисса қўшяпти.

Масалан, банкнинг биргина Навоий вилояти бошқармаси томонидан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун тақдим

қилинаётган хизматлар қўлами тобора кенгайиб бораётир. Жорий масвумда 33,5 миллиард сўмлик кредит ушбу мақсадга йўналтирилгани бунинг яққол далилидир. Шунингдек, қишлоқ жойлардаги 76 субъектга хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун 3,6 миллиард сўмлик кредит

усқуналар ҳамда хом ашё сотиб олиши учун 10,6 миллиард сўмлик кредит ажратилган эди. Бунинг самараси ўларок, 320 дан ортқк иш ўринлари ташқил этилди. — Корхонамиз темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Навоий шаҳридаги "Навоий логистик" хусусий корхонаси раҳбари

бормоқда. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти. Унга кўра, 533 та миқозга 15 миллиард 475 миллион сўмлик кредит

«Агробанк»:

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КўМАКЧИСИ

берилиши туфайли 65 та иш ўрни яратилган бўлса, Навоий шаҳридаги "Афрузахон Навоий" масъулияти чекланган жамияти банк кредитидан унмлли фойдаланиб, фаолиятини янада кенгайтириб олди.

— "Агробанк"нинг молиявий ёрдами натижасида аҳолига савдо хизмати кўрсатувчи корхонамиз барқарор ривожланмоқда, — дейди мазкур жамият раҳбари Фурқат Тўраев. — Бу йил ҳам ушбу банкдан 300 миллион сўмлик кредит олиб, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтирдик. Бундай қулайликдан, айниқса, ҳамшаҳарларимиз хурсанд. Яна бир муҳим жиҳати, 10 кишини доимий ишга жалб этдик.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, вилоятда санатнинг янги йўналишларини ўзлаштиришда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шунинг билан бирга, банк бошқармаси томонидан 266 та миқозга замонавий технологик



Саид Афаков. — Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида бизнес-режа тузиб, "Агробанк"қа тақдим қилган эдик. Ҳужжатларимиз билан яқиндан танишган банк мутахассислари қисқа вақт ичида 350 миллион сўм миқдорда кредит беришди. Натижада қўшимча равишда 15 та иш ўрнини очиб, тайёрланаётган маҳсулотлар турини 40 тадан оширдик.

Шу билан бирга, банк бошқармаси жамоаси қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб

берилади. Бунинг эвазига қўллаб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга асос солинган бўлса, бир қанча фермер хўжалиқларида қўшимча тармоқлар йўлга қўйилди.

— "Агробанк" кредитларидан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл-кўл ҳосил этиштиришга муваффақ бўлаёلمиз, — дейди Навбахор туманидаги "Аслонбобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳасан Рўстамов. — Пировардида даромадимиз кўпайиб, уни фермер хўжалигимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги тармоқларни ўзлаштиришга сарфляяпмиз. Айтайлик, жорий масвумда 43 гектар ерда гўза парваришда, биринчи теримдаёқ 151,2 тонна пахта териб олдик. Бу — шартномавий режа бажарилди, дегани. Бундан ташқари, банкнинг молиявий ёрдами билан такрорий экинлар экиб, улардан ҳам мўлжалдаги ҳосилни этиштирдик. Бу ҳам бизга қўшимча даромад келтирди.

Хулоса ўрнида айтганда, "Агробанк" ўзининг тезкор ва сифатли хизматлари билан иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, худудларнинг санат салоҳиятини оширишга баҳоли қудрат улуш қўшмоқда.

Ҳайрулла ХОЛТУРАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШҚИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БўЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилады.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов кўйидаги йўналишларда олиб борилди:** янги ишлаб чиқаришни ташқил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган санат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестициявий жозибдорликка ва санат соҳасида таътиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

**Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**

- арiza (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.:** (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.  
**Web-site:** www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com  
**Манзил:** 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.  
**Мўлжал:** «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

### ХАЛҚАРО САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

17- Ҳалқаро кўргазма **ПОЛИГРАФИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ**  
 www.uzprint.uz **17<sup>th</sup>** OZBEK-PRINT OZUPACK

6- Ҳалқаро кўргазма **ПЛАСТМАССА САНОАТИ**  
 www.plastex.uz **6<sup>th</sup>** plastex

9- Ҳалқаро кўргазма **КИМЁ САНОАТИ**  
 www.chemie.uz **9<sup>th</sup>** chemie

2015 йил **20-22 октябрь** Тошкент, «Узэкспромказ»  
 ITE Uzbekistan  
 Tel.: (+99871) 113-01-80.  
 E-mail: post@ite-uzbekistan.uz,  
 Web: www.ite-uzbekistan.uz

Guvoohnoma № 3583

### «КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этилади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Учтепа тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 1-251/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м.даги А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш ва омборхона биноси (бино-иншоотлар ичида жойлашган санузел, трансформатор, ГРП, уч фазали ҳисоблагич, ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси ва унинг жиҳозлари ҳамда жалюзарлар).
2. Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Myasnoff plus» хусусий корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Наби Ҳасанов кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 487 кв.м.дан иборат бўлган цех ва омборхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 2 155 355 598 сўм.**

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мўражаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-58-61.

**Хизматлар лицензияланган.**

### «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этилади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Мингбулоқ тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2012 йил 14 декабрдаги 11122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мингбулоқ тумани, «Мустақиллик» МФЙда жойлашган, фуқаро Умаров Бахтиёр Абдулбориевичга тегишли бўлган, ер майдони 29515 кв.м., қурилиш ости майдони 5289,6 кв.м., фойдаланиш майдони 4711,29 кв.м. дан иборат гишт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотларининг бир қисми, яъни гишт хумдон, хумдон устидаги бостирма, лой қориш ва қоплаш биноси, хом гишт қуийш бостирмаси, слесарь хонаси ҳамда электрик хонаси.
2. Мингбулоқ тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2012 йил 14 декабрдаги 11123-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мингбулоқ тумани,

**Бошланғич баҳоси — 276 154 460 сўм.**

«Мустақиллик» МФЙда жойлашган, фуқаро Умаров Бахтиёр Абдулбориевичга тегишли бўлган, ер майдони 15212 кв.м., қурилиш ости майдони 1312,88 кв.м., фойдаланиш майдони 1617,92 кв.м. дан иборат гишт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотларининг маъмурий биноси ва қоровулхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 149 138 054 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 16 ноябрь кунни соат 11.00 да қабул қилинади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2015 йил 13 ноябрь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Наманган вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Тел.: (0-369) 227-97-01, 227-94-47.  
 www.1kms.uz

**Хизматлар лицензияланган.**

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этилади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 18 ноябрь кунни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Кўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кўқон шаҳар судининг 2015 йил 24 июндаги 3656-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кўқон шаҳри, 47-МФЙ, Мовароуннаҳр кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 65,60 кв.м., фойдаланиш майдони 50,20 кв.м. бўлган 0001-литердаги савдо дўқони.
2. Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 27 сентябрдаги 15-1903/2417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, Янги Марғилон шаҳарчаси, Абдулла Навиев кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 5809,35 кв.м., фойдаланиш майдони 3670,44 кв.м. бўлган, 0001-0003, 0007-0009, 0011-0016-литерлардаги бино-иншоотлар, металл печка ўрни ва қурилиши тугалланмаган бино ўрни.

**Бошланғич баҳоси — 205 217 007 сўм.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 ноябрь кунни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 3 ноябрь кунни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар тақроран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:

1. Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги озиқ-овқат дўқони.
2. Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғинойич кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+998990) 231-38-59.

**Хизматлар лицензияланган.**

**БИЛДИРИШ**

«Capital realtor group» МЧЖ «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 16 сентябрдаги 180-сониде чоп этилган хабарномадаги Фарғона шаҳри, «Маърифат» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган, уч қаватли Марказий универмагнинг аукцион савдоси Суд департаменти Фарғона вилояти худудий бошқармасининг 2015 йил 2 октябрдаги 5598, 5628/2-сонли хатига асосан тўхтатилганлигини маълум қилады.

«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.

### POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ Micros

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари, Моноблоклар, Харидор учун дисплей, Чеклар принтери, Тарозилар

**ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:**

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- рестороанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калти билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

— Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

### Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази

2016 йил учун қўйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилады:

- Чўл ва тоғ ўрмон мелиорацияси
- ўрмон уруғчилиги ва селекцияси
- Агроландшафт

Танлов ҳужжатларини қабул қилиш мuddати — 2015 йил 15 ноябрьгача.

Қабул «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом» асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Дархон даҳаси. Телефон: (0-371) 225-71-85. Факс: (0-371) 225-72-32.

### «ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

«Ўзвинсаноат-холдинг» холдинг компанияси жамоаси компания ходими Зухридин Камалитдиновга волидан муҳтарамаси ТАСЛИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН:



«Халқ сўзи» газетасига қилинган ҳар бир мурожаат доимо эътиборда бўлади.

— Ҳадемай, пенсияга чиқаман. Фаолиятим давомида давлатга тегишли ўнга яқин ташкилотда меҳнат қилганман. Буларнинг барчаси меҳнат дафтарчада акс этган ва муҳр билан тасдиқланган. Лекин пенсия идораси вакиллари зарур ҳужжатлар қаторида ҳар бир ишлаган идорадан маълумот олиб келишимни сўрашапти. Шу тўғрисида? Аслида фаолият даврига оид бирор бир йил бўйича қандайдир шубҳа туғилсагина маълумот талаб қилинмайдими?

А. ШАРИПОВ. Қарши шаҳри

Зарур ҳолларда аниқлик киритилади

— Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддаси "а" бандига мувофиқ, фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юрители шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади. Қонуннинг 43-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этуви директорининг биринчи ўринбосари.

Таълимда ёш чегараланганми?

— Мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларида ўқиш бўйича ёшга доир чегара борми?

С. ТИЛЛАЕВА. Уқўприк тумани

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун ёш бўйича чеклашлар мавжуд эмас (ҳарбий олий таълим муассасалари, Банк-молия академияси бундан мустасно).

И. МАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи.



— Келишмовчилик туфайли тўрт ой аввал бир ходимимиз билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўғри келди. Лекин шу вақтгача кадрлар бўлимидан меҳнат дафтарчаси ва бошқа тегишли ҳужжатларини олиб кетмаган экан. Худди шу ҳолатни рўқча қилиб, ўтган тўрт ой учун ўртача ойлик иш ҳақи беришимизни талаб қилаёпти. Ҳатто, тармоқ касабани уюшмалари ташкилотидан ҳам солиқ ходимимизни қувватловчи хат келди. Бу даъво нечоғли қонуний?

М. ҚУВВАТОВ. Урганч шаҳри

Кечиктирилган кун учун

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юрители тартиби тўғрисида йўриқнома"нинг 3.1-бандига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш бериувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Иш бериувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш бериувчи ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади (масалан, моддий жавобгар ходимни бириктирилган

Тўлов

анжомларни вақтида топширмаганлиги учун баҳона қилиб меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса). Бундай ҳолда ишдан бўшаш санаси меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади.

С. ҲАЙТМУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқармаси бошлиғи.

— Тадбиркорликка қизиқаман. Табиийки, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун маълум миқдорда маблағ керак бўлади. Аммо ўзимда бунга имконият йўқ. Банкдан кредит олиш учун эса гаровга қўйиладиган мол-мулкка эга эмасман. Шундай ҳолатда ҳам бизнес лойиҳани амалга ошириш учун молия муассасалари бўлажак ишбилармонларни қўллаб-қувватлаши мумкинми?

О. ЖАБИЕВ. Нарпай тумани

— Бугунги кунда тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш "Кичик тадбиркорлик субъектларини ларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида банкка қуйидаги таъминот турларидан бири-ни тақдим этиш мумкин: мол-мулк ва қимматли қоғозлар га-

Гаров ва кредит

арови; тижорат банки ёки сўғурта компаниясининг кафолати; учинчи шахс қафиллиги; қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига сўғурта қилинганлиги тўғрисидаги сўғурта полиси; таъминотнинг қонун ҳужжатларида на-

зарда тутилган бошқа турлари. "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан,



лар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан этиланган бошқа талаблар бундан мустасно. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк ушбу кредит бўйича ўз қийматининг 80 фоизи миқдоридан гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

А. ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банкларнинг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори.

— II гуруҳ ногиронлирига ер солиғи бўйича имтиёз мавжуд. Айтинг-чи, бу имтиёз ногирон номидида фақат хонадон ери учун назарда тутилганми ёки унга тегишли томорқа ёхуд боғ учун ҳам амал қилади?

З. ДАДАХАНОВ. Гулистон тумани

Имтиёз кимга татбиқ қилинади?

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 290-моддасига асосан, I ва II гуруҳ ногиронлари жисмоний шахслардан олинган ер солиғидан озод этилган. Ушбу имтиёзлар яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон ҳўжалиги юрители учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ қилинади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилади.

О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

Ҳайдовчи тўхташ ишорасини кўрмаса...

— Шаҳарлараро трассада ҳаракатланаётган эдим. Ён-атрофимда машиналар қўлиги туфайли йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимининг "тўхта" ишорасини кўрмадим. Яъни у айнан менга ишора қилганини билмадим. Назорат постига етиб борганимда эса қонда бузыганини, инспекторнинг буйруғига бўйсунмаганимни айтишди. Ҳайрон қолдим. Бундай вазиятда масала қандай ҳал этилади?

Ж. ЮСУПОВ. Асака тумани

— Ушбу ҳолатда қоидабузарлик бўйича маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 245-моддасига асосан, қўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

Битирувчининг ҳуқуқи



— Қизим педагогика коллежида таҳсил олаётти. Уқўшни тугатгач, умумтаълим мактабида ўз ихтисослиги бўйича фаолият юрители мумкинми?

Р. ОТАЕВА. Бобкент тумани

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 3.3-бўлимида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломни олганларидан сўнг ушбу диплом билан таълимнинг кейинги босқичларида ўқини давом эттириш ёки эгалланган ихтисослиги ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари.

Қафасда балиқ етиштириш технологияси

— Балиқчилик ва туячилик билан шуғулланмоқчиман. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шундай ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган бирор лойиҳаси борми?

И. СОДИҚОВ. Қармана тумани

— Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан республикада балиқчиликни ривожлантириш бўйича бир неча лойиҳа молиялаштирилмоқда. Жумладан, "Қафасда (садоқда) балиқ етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш" лойиҳаси амалга ошириляпти. Сиз балиқчилик бўйича лойиҳа тайёрлаб, Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси томонидан ҳар йили эълон қилинадиган танловга юборилиши мумкин.

Туячилик билан шуғулланиш масаласи бўйича Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига мурожаат қилишни тавсия этамиз.

М. БОБОХОДЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи.

— Яқинда Ўзбекистон мобил алоқа миллий оператори — "Uzmobile"нинг GSM тармоғига уландим. Ундаги хизмат кўрсатиш сифати мени қаноатлантираётти. Қадам ҳисобинда пул қолмагач, телефонга кириш кўнғироқлари ҳам ўчириб қўйиларкан. Нега шундай?



Ш. ЖАЛИЛОВА. Учтепа тумани

Техник имкониятлар кенгайди

— Дарҳақиқат, аҳолига кенг қамровли алоқа хизматини тақдим этиш мақсадида жорий йил компаниянинг "Uzmobile" филиали томонидан "GSM" стандартидаги мобил алоқа хизмати йўлга қўйилди.

Хозирги кунда "Uzmobile" филиалида абонент ҳисобида белгиланган миқдорга нисбатан кам пул маблағи қолишда, кириш ва чиқиш кўнғироқлари, "SMS" хабарлар ҳамда мобил интернет хизмати ўчирилишига "Billing" тизимида йўлга қўйилган. Мазкур тизимнинг техник имкониятларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шундан сўнг абонент ўз ҳисобида маблағ қолмаган тақдирда ҳам кириш кўнғироқлари ва "SMS" хабарлар хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари.

«Танловларда қатнашмоқчиман»

— Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан жуда кўп кўрик-танловлар, фестиваллар, анжуманлар ўтказилади. Очиғи, баъзан шундай тадбирлар тўғрисида республика босқичлари ақунланганидан кейин, у ҳақда телевизор, радио ёки газеталарда бериладиган ахборотлар орқали хабардор бўламиз. Яъни кеч эшитамиз. Ана шундай муҳим тадбирлар тарғиботи янада кучайтиришнинг имкони борми? ТВда бериладиган роликлардан ташқари, эълонларни шахар, туман марказигача эмас, балки маҳалларгача етказиш йўллари йўлаб қўриلسа, яхши бўларди.

Т. ЭРГАШЕВ. Янгйўрғон тумани

Мутахассислар тавсияси

— Ўғлимни сув полони тўғарагига неча ёшдан ва қаерга берганим маълум? Мутахассислар тавсияси жуда муҳим.

Ш. ИМОМОВА. Паркент тумани

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва педиатрия илмий-техник кенгашида 2011 йил 15 мартда 18-сон баён билан тасдиқланган "Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари" услубий қўланмасида сув полони билан 10-13 ёшдаги болаларнинг шуғулланиши тавсия этилган.

Фарзандингизни сув спортга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига берганингиз маълум. Айни пайтда бундай таълим масканлари Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятида мавжуд.

Б. ДАНИЯРОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.



ЯНА САВОЛЛАРИНГИЗ БОРМИ, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН? ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code.